



Бола иштиёқини
2 сўндирманг

Бир-бирига
ўхшаган ва... 4



"Ўн саккизга
6 кирмаган мен бор..."

Зирак таққан...
8 йигитлар



БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



Муҳтарам Президентимиз мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси бўлмиш Термиз шаҳрига ташриф буюрганларида ўзлари очиб берган ушбу "Бахт уйи"га бир дунё орзу-умидларни юрагига жойлаб, Оила аталмиш муқаддас қўرғон деворини тикламоққа шайланган йигит-қизлар "Шу озод ва обод Ватан фарзандларимиз!" дея фахру ифтихор билан қадам қўйишмоқда.



Уч қаватли муҳташам бинода гўзаллик салони, келин-куёвлар либослари дўкони, тўй оқшомларини нишонлаш учун алоҳида зал, таклифнома тайёрлаш хизмати, тиббий маслаҳатхона... Хуллас, «Бахт манзили» дея таърифланаётган бу ажойиб гўшада ёш келин-куёвлар учун ҳаммамиз ҳавас қилгулик барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Рихситилло НУРИНБОЕВ
олган суратлар.

— Болангиз сизга “Бу нима?” деб савол берган кунёқ улгайиш оstonасига қадим қўйган ҳисобланади, — дейди **Учтепа туманидаги 361-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Мавлуда Усмонова**. — Ана шу илк савол унинг борлиқни англаб бораётгани, ақлини таниётганидан дарак. 2–4 ёшлик даврида бутун умри давомида ўзлаштириши мумкин бўлган билимларнинг каттагина қисмини англаб улгуради. Мазкур вақт ораллигини атрофдаги оламни интенсив ва фаол англаш даври, деб ҳам аташ мумкин. Бу паллада унинг мурғак онгига ҳар кун юзлаб, минглаб сўзлар ҳамда тушунчалар кириб боради. Бола янги ўрганган билимларини керак-нокерак жойда ишлатиб, шу йўл билан уларни хотирасида мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

Шунинг учун болани билмаганларини сўрашдан бездирмаслик ва келгусидаги “ихтиро”ларига кенг йўл очиб бериш учун айна 2–4 ёшлик даврида ҳеч бир саволни жавобсиз қолдирмаслик лозим. Шундангина унинг ўсиши, жамият ҳаётига фаол кириб келишига ёрдам бер-

қўйган илк кундаёқ танишувимиз ҳам уларнинг кўнглини олиш, қалбига йўл топа билишдан бошланади. Бу бежиз эмас. Сабаби, вақтинча бўлса-да, суюкли онасидан илк маротаба узоқлашиш улар учун нохушлиқдай туюлади. Унга меҳрибон ва яқин муомалада бўлиш кўнглига хотиржамлик бахш этиб, икки ўртада яқинлик, илиқлик ва ишончли муносабат шаклланиб боради.

— **Кўпчилик ота-оналар сизнинг иш жараёнингиз, болаларга бўлган муносабатингизни мақташар экан. Айниқса, “Фарзандим Мавлудахондек меҳрибон тарбиячига тушганидан хурсандман, унга топшириб ишимизга хотиржам кетамиз, ҳатто ўзимиздан ҳам зиёда қарайди”, дея бот-бот таъкидлашганининг кўп маротаба гувоҳи бўлганман. Яна айтишларича, сиз кичик ёшли болаларга кенг турдаги машқларни ҳам уддалашни ўргатар экансиз. Бу қийин эмасми?**

— Нима десам экан, мен бор-йўғи ўз бурчимни бажараяпман холос, — дея ийманибгина жавоб беради Мавлуда опа.

ТАРБИЯ САБОҚЛАРИ

рамиз. Такрорлаш вазифасини бажарувчи маъжур топшириқлар ўтилган дарсларни болалар онгига муҳрланишида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги ота-оналарнинг дунёқароши, орзу-истаклари олдинги йиллардагидан анча фарқ қилади. Илгарилари боғча ота-оналар назарида фақат болага эртадан-кечгача қараб туриш учун ишончли маскан ҳисобланган. Ҳозирда ундай эмас. Ҳукуматимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликни уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб улгайиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётганида қўриш мумкин. Замонавий таълим-тарбия масаласига қўллаб-қувватлаш аналари ҳар томонлама етук бўлиб улгайиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётганида қўриш мумкин. Замонавий таълим-тарбия масаласига қўллаб-қувватлаш аналари ҳар томонлама етук бўлиб улгайиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётганида қўриш мумкин. Замонавий таълим-тарбия масаласига қўллаб-қувватлаш аналари ҳар томонлама етук бўлиб улгайиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётганида қўриш мумкин.

Масалан, бизнинг мактабгача таълим муассасамиз “боғча — оила”, “ота-она — тарбиячи” ўртасидаги боғлиқликни оширмоқда. Ота-оналар “Бугун фарзандим нимани ўрганди, машғулотларда иштироки қай даражада, уйда нимани такрорлайлик?” дея ҳар кун сўрашни қанда қилишмайди. Бу эса ўз устимизда қаттиқроқ ишлашимиз лозимлигини, болажонларга ёшига доир билимлар ўргатиш учун кўпроқ интилимизни талаб этади. Уларнинг эътиборига маъжур муассасамизнинг ҳар бир гуруҳида “Биз бажарган ишлар” бурчаги ташкил этилган бўлиб, ҳар бир боланинг кун давомида бажарган ижод намуналари қўйилади. Ота-оналар шу бурчакнинг ўзида фарзанди тўғрисида керакли маълумот олади, бажарилган ишларга қараб, ўғли ёки қизининг тенгқурлари орасида фаол ёки ақсинчалигини осонгина пайқайди.

Тасаввур қилинг, бола ҳозирданок боғчада ҳам, уйда ҳам доимо эътиборда бўлса, саволларига вақтида жавоб тополса, Юртбошимиз қайта ва қайта таъкидлаганларидек, биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишларига замин яратилади.

— **Бугунги кун болалари ҳақида фикрингиз қандай?**

— Ишонасизми, баъзи кичкинтойларнинг бераётган саволларига қараб ўйлаб қоламан. Ўзи нари борса, эндигина икки ёки уч ёшни тўлдирган-у, саволига ўйла-масдан жавоб қайтаролмайсан. Кўпчилиги айтган нарсангни бир мартада илғаб олиб, кун бўйи такрорлаб юради. Айримларининг чизган суратлари маъносини чақадиган бўлсангиз, катта-катта кашфиётлардан, келажакда нимадир ярата олувчи олим бўлишдан дарак бери туради. Айтмоқчи бўлганим, бола саволларининг кўпчилиги унинг қизиқишлари даражасини, эртага ундан қандай касб-кор эгаси чиқишини белгилашда ёрдам беради. Шу маънода бемалол айтишим мумкинки, бугунги кун болалари ривожланган ахборот даврида яшаётгани учун бўлса керак, олдинги даврдаги ёш авлоддан кескин фарқ қилади. Булар энди мустақиллик фарзандлари-да! Бизнинг энг шарафли вазифамиз — келажакимиз эгалари бўлиши дилбандларимизни ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист.



ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

Танлов эълон қилинди

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари қўллаб-қувватлаш фонди томонидан эълон қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлар амалга оширган энг яхши ижтимоий шериклик тажрибаси бўйича” ва “Ижтимоий шериклик бўйича энг намунавий ёритилган мақола учун” танловлари юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир давомида юртимиз тараққиётининг хозирги босқичида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш концепциясида “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги қонун қабул қилиш ташаббуси кўтарилгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Анжуман иштирокчилари танловларнинг ўз вақтида ва долзарб мавзуларда эълон қилинган эътироф этишиб, “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши ҳамда ННТларнинг самарали тажрибаларини ёритиб бўйича ОАВ фаолиятини янада жонлантириш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришда аҳоли манфаатларини кўзлаш, жамоатчилик фикрини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшини айтиб ўтдилар.

Тамара ХУММАМАНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Андижонда рақамли телевидение

Водийда биринчи бўлиб Андижонда рақамли телевидение узатгичи ишга туширилди. Мазкур ижтимоий пакт дастури орқали жами 12 та теледастур эфирга узатилмоқда.

Бу телевидениенинг фарқли жиҳати, аввало, юқори сифатдаги тасвирга эгаллиги билан фарқланса, иккинчидан, авваллари битта каналда биргина дастур узатилган бўлса, эндиликда рақамли ТВ узатгичида битта канал орқали 12 та дастур узатиш имконияти бор. Яна бир жиҳати, шунга ўхшаш узатгичлар катта миқдорда электр энергияси талаб қилади. Замонавий узатгичларда эса бу кўрсаткич анча паст.

Бугунги кунда вилоят аҳолиси махсус мослама — тюнер сотиб олиб, рақамли телевидение дастурларини кўриши мумкин. Айрим замоний телевизорлар эса тюнер мосламаси билан жиҳозланган бўлиб, қўшимча жиҳоз ўрнатишга зарурият бўлмайди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Андижон вилояти.

БОЛА ИШТИЁҚИНИ СЎНДИРМАНГ

Чунки уларнинг бугун бизларга бераётган ҳар бир саволи эртага ким бўлишидан дарак беради



ган бўласиз. Қолаверса, бола хоҳишларини ҳисобга олмаслик, у ёқтирмайдиган машғулот ва машқларга мажбуран олиб бориш туфайли қўпол, ғайир ва, айни кезде, истар-истамас итоаткор бўлиб ўсиши мумкин. У бирор топшириқни ўзи англаган, тушунган ҳолда эмас, балки кимнингдир кўрсатмаси ёки буйруғи асосида бажаришга кўникиб қолса, кейинчалик ташаббускорликдан, бирор масалани мустақил ҳал қилишдан бўйин товлайдиган ёки журъатсиз бўлиб қолади. Шу боис кичик ёшдаги болалар билан ишлаш жараёнида имкон қадар ҳар бирининг руҳияти, характери, хулқ-атвори, керак бўлса, кайфиятини ҳам ҳисобга олган ҳолда яқиндан мулоқот қилишга интиламиз. Болажонлар боғчага қадам

— Аслида, ота-оналар эмас, ақсинча, мен уларга ташаккур билдиришим керак. Сабаби, болажонларнинг, айниқса, боғчага катнайдиганларининг ҳар бир ютуқ-камчиликларидан ҳам фақат бир томонни оқлаш ёки қоралаш тўғри бўлмайди. Нагаки, ҳар бир ўзгаришда нафақат биз тарбиячиларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам ўрни муҳимлигини таъкидлашни истардим. Биз мактабгача таълим муассасаси ходимлари муайян режа асосида болаларнинг ёшига кўра махсус дарслар, ҳусусан, жисмоний тарбия, мусиқа ва рақс, расм чизиш, пластилиндан турли хил шакллар ва эртақ қаҳрамонларини яшаш, суратларни бўёқлар билан бўйаш, шеър ва атамаларни ёдлатиш орқали хотирани мустаҳкамлаш машқларини олиб бо-

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

барча муносабатларда намоён бўлади

“Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш бу — ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади”, дейди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтирмасдан фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг умуман илоҳи йўқ.

Ҳуқуқий маданият жамият аъзоларининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ўзлаштирувчи ёки ривожлантирувчи ижодий фаолиятнинг муайян хусусияти ва даражасидир. Халқнинг ҳуқуқий онги нафақат сайлов ёки референдум каби йирик сийосий тадбирларда, балки кундалик ҳаётда, фуқароларнинг давлат, жамият, жамоа, оила ва бошқа муносабатларида намо-

ён бўлади. Шу боис у жамиятдаги турли ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жиҳслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батариблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Бинобарин, қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири саналади.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқимизнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Шахсининг сийосий фаолиги, чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга интилувчанлиги олий мақсадларимизга тезроқ эришиш учун туртки бўлиши табиий. Шу маънода адлия тизими ходимлари мунтазам равишда олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларини халқимиз ҳуқуқий маданиятини оширишга йўналтирилган саяё-ҳаракатлар замиридаги бир ҳалқа деб баҳолаш мумкин.

Қумри **ТОШМАТОВА**,
Янгийўл тумани 6-сонли ДНИ нотариуси.
Шерзод **ТЎРАБЕКОВ**,
Кибрай тумани 2-сонли ДНИ нотариуси.

— Махбуба опа, мулоқоти-миз аввалида "Оила" марказининг бугунги кундаги амалий фаолияти хусусида тўхталсангиз.

— Албатта. Фаолият доира-миз гоятда кенг қамровли бўлиб, бир қатор илмий-амалий тадқиқотлар олиб борамиз. Масалан, ҳозир 7 та илмий лойиҳа якунланиш арафасида. Улар орасида энг йирик, яъни беш йил давомида амалга оширилган фундаментал лойиҳалардан бири — "Ўзбекистонда олиб борилаётган оила сиёсати ва оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий демографик тадқиқотлар" мавзусидир. Менинг ўзим шу жараёнда иштирок этиб, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида яшашган аҳолининг ижтимоий демографик ҳолати (туғилиш, ўлим, никоҳ ёши, ажрим, аҳолининг табиий ўсиши)ларини изчил равишда ўргандик. Бунда оиланинг асосий сифат кўрсаткич белгиларидан бири бу никоҳ ёшидир.

— Айнан шу ҳақда сўрамоқчи эдим. Хўш, бу тажриба ўзини қай даражада оқлайди деб ўйлайсиз?

— Биласиз, Оила кодексининг 15-моддасида қонуний никоҳга кириш ёши қиз болалар учун 17 ёш, ўғил болалар учун эса 18 ёш деб белгиланган. Албатта, бу энг минимал никоҳ ёши саналади. Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, эрта турмуш қурганларнинг аксарияти турли хил қасёт кийинчилари ва муаммоларини енгиб ўтишда қийна-лишяпти. Оқибатда, айнан шундай оилалар ўртасида ажралишлар сони ортиб бормоқда.

— Демак, никоҳ қуриш ёши масаласи ҳақида яна жиддийроқ ўйлаш керак экан-да?

— Бу муаммо олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири, десам янглишмайман. Ўтказилган тадқиқотларимизда "Йигит ва қизлар неча ёшда никоҳга қирганлари маъқул?" деган саволга респондентлар (сўровномада қатнашган шахслар) турлича жавоблар беришяпти. Масалан, қизларнинг оила қуриши учун 19–20 ёш, йигитлар учун эса 24–25 ёш энг мақбул давр деб ҳисоблайдиганлар кўпчиликини ташкил этаётди. Шу боис Оила кодексига бу каби жиддий масалалар юзасидан айрим ўзгаришлар киритиш

вақти етди, деб ўйлайман. Биринчидан, ушбу ҳужжат 1998 йили қабул қилинган. Уша пайтда ёш, мустақил давлатнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши учун жамиятда сақланиб келаётган миллий кадрятлар ва удумларни эътиборга олиш зарур эди ва бу ниҳоятда оқилона тутилган йўллардан биридир. Фуқаролик кодексидан инсон воёга етганидан кейин ўзининг хати-ҳаракатлари учун қонун олдида юз фоиз жавобгар экани белгилаб қўйилган. Демак, 17 ёшда турмушга узатилаётган қизларимизни ҳали воёга етмаган дейишга асослар бор. Нега

Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига тақдим этди.

— Ёш оилалар ўртасида содир бўлаётган ажралишларнинг сабаби ҳам никоҳ ёшига бориб тақалмаяптими?

— Бу борада ўтказилган тадқиқот ва сўровларимизда маълум бўлаётгани, аксарият ҳолларда ёш келин-куёвлар ўртасидаги тушунмовчиликларнинг асосий сабабларидан бири бу уларнинг нафақат тиббий, жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам ҳали оила қуришга тайёр эмаслиги экани аён бўлаётди. Оддий ми-

далиги, қизларнинг эса 0,27 фоизи "Мен ўқишни давом эттира олмайман, уйдагиларим рухсат бермайди", деган мазмунда жавоб қайтарганлигига гувоҳ бўлдик. Бу эса жамоатчилик ўртасида тарғибот ишларини янада кучайтириш кераклигини кўрсатади.

— Биласизми, норасмий маълумотларга қараганда кейинги пайтда нафақат ёш оилалар, ҳатто ўн йилдан кўпроқ бирга яшаб келган эр-хотинлар ўртасида ҳам ажралиш ҳолатлари кузатилаётмоқда. Буни қандай изохлаш мумкин?

Қўрғонга кўз тегмасин

Республика "Оила" илмий-амалий маркази катта илмий ходими Махбуба МИРАҲМЕДОВА билан суҳбат



ки, воёга етиш ёши Ўзбекистонда 18 ёш деб белгиланган. Бундан кўринадики, воёга етмаган ҳолда турмуш қуриш ҳуқуқий нормаларга ҳам тўғри келмайди. Қолаверса, Конституциямизда ҳам эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги алоҳида белгилаб берилган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда марказимиз никоҳ ёшини тенглаштириш бўйича ўз тақлиф ва тавсияларини Олий

сол, биз юртимизнинг чекка қишлоқларидаги умумтаълим мактабларида ўқиётган 8–9-синф ўқувчи қизлари ва уларнинг ота-оналари билан юзмаюзу мулоқотлар ўтказиб, оила, никоҳ масаласи билан боғлиқ муносабатларини ўргандик. Натихада, ота-оналарнинг 0,3 фоизи фарзандим мактабни битирганидан сўнг ўқишни давом эттириши шарт эмас, деган фикр-

— Тўғри, кўпчиликини ўйлантираётган жумбоқ ҳам шу. Лекин марказимиз томонидан бу масалада ҳам айрим кузатувлар олиб борилди. Аён бўлишича, катта ёшлилар ўртасидаги ажралишларга асосан учта муаммо сабаб қилиб кўрсатилмоқда: биринчиси — аёл кишининг оиласидаги бутун оғирликларни ўз зиммасига олиб, атрофдаги қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг гап-сўзидан андиша қилиб, йиллар давомида сабру тоқат билан яшаб, ажрим масаласини ўртага қўймагани; иккинчиси — эркак кишининг ичкилик ва гиёҳвандликка ружу қўйиши оқибатида юз берадиган доимий мождарлар ва, ниҳоят, учинчиси — эрхотиннинг бир-бирига хиёнатни ажралишларни келтириб чиқармоқда.

— Махбуба опа, шу ўринда қувончли бир маълумотни ҳам келтиришни истардим. Мутахассисларнинг кузатишлари қараганда, айнан мустақиллик даврига келиб қонуний, яъни расмий никоҳларнинг қайд этилиш даражаси ошаётган экан...

— Мамнуният билан айтишим

ЖАРАЁН

мумкин, юртимизда қонуний никоҳ асосида оила қуриш истagini билдираётган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Статистик маълумотларда қайд этилишича, кейинги ўн йилликда расмий оила қуриш коэффициентини ортиб, ажримлар сони камайиб бораётди. Бу, аввало, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятнинг тобора ошаётгани билан изоҳланса, иккинчидан, оила тушунчаси жамиятимизда олиқ кадрият сифатида шаклланиётганини кўрсатади. Шунингдек, қонуний никоҳнинг ижтимоий жиҳатдан давлат томонидан муҳофаза этилаётгани билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Яхши, ушбу рақамларга эътибор қаратайлик: юртимизда 1991–2010 йиллар мобайнида 3,5 миллиондан ортиқ никоҳ ҳолати қайд этилган. Бу дегани шу давр оралиғида салкам 7 миллиондан ортиқ фуқаролар расмий никоҳга кириб, оилавий ҳаётга қадам қўйишган. Албатта, улар орасида ҳам биз ҳозиргина афсус билан айтаётган ажралишлар учрайди. Лекин бу каби салбий мисоллар умумий ҳолатга соя сололмайди.

— Айтинг-чи, оилани мустаҳкамлаш ва барқарор бўлишини таъминлашда яна қандай омиллар асосий ўрин тутаяди?

— Энг аввало, ҳар қандай оилада ўзаро ишонч руҳи устун бўлиши шарт. Қолаверса, икки томон, яъни куда-андалар ўртасидаги ахиллик катта роль ўйнайди. Шунингдек, улар яшаётган маҳалла, қўни-қўшиллар ҳам бу жараёнда фаол иштирок этади. Демак, миллий кадрятларимизга асосланган ҳолда қурилган оила кўрғонига дарз кетмаслиги учун ҳаммаими ҳам-жиҳатлиқда ҳаракат қилишимиз керак. Оила аталмиш қарвонки эр бир томонга, хотин бошқа тарафга, фарзандлар эса бутунлай тескари кубга буришга уринса, нима бўлади? Оқибати яхшилик билан тугамайди. Шундан келиб чиқиб ҳулоса қилиш мумкин, қачонки, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги ришталар мустаҳкам бўлса, бу оилага кўз тегмайди. Ниятим, юртимизда ана шундай файзли, ахил ва иноқ хонадонлар кўпаяверсин.

"Оила ва жамият" мухбири Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.

Никоҳ омонат бўлмайди

БАХТ ОСТОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам замонавий типдаги, остонасига қадам қўяётган ҳар бир кишининг юрагини тўлқинлантирадиган даражада шинам ва муаззам Бахт уйланининг қуриб фойдаланишга топширилиши оила қураётган ёшларнинг қалбини гуруру ва ишонч тўйғулари билан тўлдирмоқда, ёшларнинг масъулият ҳиссини оширмоқда. Жумладан, вилоятда истиқлол йилларида Конимех, Хатирчи ва Кармана туманларида ана шундай кўркам бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди ва бугунги замон талабига мос тарзда жиҳозланди. Навоий шаҳри ҳамда Нурота туманида ҳам ана шундай Бахт қошоналари фойдаланишга топширилиши тараддуди кўрилмоқда. Бу эса мустақил оила қуриш остонасида турган минглаб ёшлар учун катта тўхфа бўлиши табиий.

Пойдеворни мустаҳкам бино ҳеч қачон бузилмайдди. Бундай қиёси оила кўрғонига нисбатан ҳам билдириши мумкин. Шу боис ФХДЭ органла-

ри томонидан никоҳ масаласида ёшларнинг белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, никоҳ масъулияти, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тенглиги тўғрисида йўл-йўриқ беришни самарали ташкил қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлари, энг аввало, оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган. Хусусан, оила қуриш ҳар бир инсон ҳаётида улкан ҳодиса экани, бу масала шахсий, ҳусусий доирадан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этиши тушунтириляпти.

Чунончи, ташкил этилаётган давра суҳбатлари, семинарларда мутахассислар ёрдамида оила қуришнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари, балоғат ёши билан боғлиқ биологик, физиологик ўзгаришлар, қариндош-уруғчилик асосида оила қуришнинг заррли оқибатлари батафсил тушунтирилмоқда.

Маълумки, соғлом фарзанд фақат соғлом оилада туғилади. Оиланинг соғломлигини ундаги муҳит, ота-онанинг тани сихатлиги, тотувлиги, бир-бирини

тушуниши, қўллаб-қувватлаши, ўзаро ҳурмат-иззат ҳислари белгилаши айна ҳақиқат. Ана шу мақсадда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги 365-сонли фармоишини ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оила қуриш арафасидаги ёш йигит-қизлар бир-бирининг соғлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишини таъминлаш орқали келгусида бефарзандлик, жисмоний, руҳий ривожланишида нуқсонни бўлган бола туғилишининг, ажралишларнинг камайишига, оналар ўлимининг олдини олишга эришилмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи ярим йили давомида вилоятда никоҳга кириш учун 4772 та ариза берилган бўлса, тиббий кўриққа йўлланма берилган фуқаролар сони 9538 нафарни ташкил этди. Никоҳларнинг аксарияти ёш оила сифатида қайд этилган.

Бундан ташқари, вилоятда фаолият кўрсатаётган ФХДЭ органлари томонидан

олис қишлоқ ва овулларда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 85 та никоҳ тўйлари сайёр тартибда пуллик хизмат тўловисиз ўтказилди.

Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда эрта ва шарий никоҳларнинг олдини олиш мақсадида чекка ҳудудларга режали равишда чиқишлар ташкил этилиб, қонуний никоҳдан ўтмаган оилалар сони аниқланиб, уларнинг никоҳлари қайд этилмоқда. Вилоят адлия бошқармаси томонидан шу давргача 266 та оталики белгилаш қонуний никоҳ билан бирга қайд этилиши ана шу ҳамкорлик натижасидир.

Ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом оиланинг вужудга келиши миллат тақдирига дахлдор масала эканини ҳис этган ҳолда амалга оширилаётган бундай хайрли ишларни изчил давом эттиришга барчамиз масъулмиз.

Илҳомжон САЛОМОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими.

Хасан ва Зухра Ражабийлар

Хасан РАЖАБИЙ,
Ўзбекистон халқ ҳофиси:

— Зухра иккимизнинг энг катта бахтимиз Ражабийлар сулоласи вакиллари эканимиз ҳамда эгизак бўлиб дунёга келганимиздир. Ташки кўри-нишимизда унчалик ўхшашлик йўғ-у, лекин бир кунда туғилганимиз учун бўлса керак, табиатимизда баъзи бир яқинликлар бор. Зухрани кўпроқ онамга, мени эса отамга ўхшатишади. Бошқа опа-сингилларимизга қараганда унинг менга меҳри бошқача. Агар озгина хафа бўлсам ё бирор жойим оғриб қолса, эртасига эрталаб телефон қилиб: “Ака, тузукмисиз? Саломатлигингиз яхшими? Тушимга кириб чиқибсиз”, деб хол-аҳвол сўрайди. Мен ҳам худди шундай: Зухра билан бирор кор-хол рўй берса, негадир безовталанаман, тушларимда белги беради, уни йўқлаб бораман.

Аслида, Зухранинг ҳам ширали овози бор эди. Лекин киз боланинг санъат йўлидан кетишини отамиз кўп истамаган, бу соҳа аёл кишига оғир-

Инсон бир умр ҳаётда ўзига ўхшаган инсонни излаб яшайди, деган гап бор. Чунки у сенга кўзгу вазифасини ўтайди: унда ўз тийнатишнинг, пасту баланд жиҳатларингизни кўрасан. Аммо орамизда шундай инсонлар ҳам борки, ҳаётнинг илк лаҳзалариданоқ уларга Тақдири Азал томонидан шундай НОЁБ КЎЗГУ тухфа этилган. Яъни, улар эгизаклардир. Бир хил кийинган, бир хил киёфага эга бўлган эгизакларга кўзимиз тушаркан, ҳар гал ҳайратланамиз, уларнинг ўзаро ўхшашликлари бизни лол қолдиради. Аммо бу зоҳирий таассурот, холос. Аслида, дунёда иккита бир хил бармоқ изи бўлмаганидай иккита бир хил одам ҳам йўқ. Ҳар бир одам — киёси йўқ, бетакрор оламдир. Биз бу ерда инсоннинг кўнгли, руҳини қамраб олган бепоён ва сирли оламни назарда тутаяпмиз. Лекин шунга қарамай, дунёга жуфт бўлиб келган инсонлар орасида қандайдир узвийлик борлиги ҳам ҳаётий ҳақиқатдир. Ҳар ҳолда, саҳифамиз қаҳрамонлари билан диллашиб, суҳбатлашиб, шундай хулосага келдик...

БИР-БИРИГА ЎХШАГАН ВА... ЎХШАМАГАН ОДАМЛАР!



лик қилади, деган ва шу боис у тиббиёт йўналишини танлади. Лекин ҳозир ҳам оила даврасида йиғилган пайтларимиз жуда чиройли хиргойи қилади. Кўпинча: “Қани эди, сен Хусан бўлганимда, иккаламиз биргаликда ижод қилардик”, дейман. Ва сенинг ҳақинг бор, деб даромадимнинг бир қисмидан Зухрага ҳам улуш ажратиб тураман.

Зухра РАЖАБИЙ:

— То эсимни танигунимча, Хасан акамга кўшилиб кўча чангитиб, ўғил болалар билан ўйнаб юрганман. Чунки битта синфда ўқирдик-да: тенгдош, сирдош, дўст бўлганмиз. У киши расм чизишни яхши кўрарди. Рўпарасига ўтиргизиб кўйиб, суратимни чизарди, кўшиқ айтиб беради. Турмушга чиқаётганимда ҳарбий хизматда эди. Эшитиб, бир амаллаб руҳсат олиб келган. Биласиз, келинни фақат аёллар узатиб боришади. Лекин Хасан акам ҳам аёлларга кўшилиб мен билан келган ва ўзга уйда қолдириб кетаётганларидан ўқиб-ўқиб йиғлаган. Ички интуицаларимиз дярли бир хил. Онамларни кига худди келишиб олгандек, бир-биримиздан беҳабар ҳолда бир кунда борардик. Мен хуш кўрмаган нарса унга ҳам ёқмайди. Энди, ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин-ку. Ёшлигимизда оиламда би-



рор келишмовчилик содир бўлса, фақат Хасан акамга айта олардим. Ва у киши ота-онамга билдирмай муаммони ҳал қиларди.

Мумтоз кўшиқларнинг ҳақиқий шинавандасиман, кўзларимда ёш билан тинглайман. Хасан акамга кўшиқларингизни аудио кассетга ёзиб беринг, десам, ўзлари танбурда жонли куйлаб, битта-битталаб ёзиб берганлар.

Фотима ва Хусан Режаметовлар

Фотима РЕЖАМЕТОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист:

— Онам раҳматли “Оллоҳ ҳаммага ҳам эгизак фарзандлар ато этавермайди, айниқса, бир пайтнинг ўзида ҳам ўғилли, ҳам қизли бўлиш энг катта бахт”, дер эдилар. Хусан ўғил бола бўлса-да, болалигимизда бир хил кийиниб, бир хил соч турмагида юрардик. Боғча, мактаб, олий даргоҳда, кейин ўн беш йил театрда бирга ишладик. Ундан атиги 15 минутга катта бўлсам-да, менга жудаям суянади. Ҳар бир ишни мен билан бамаслаҳат қилади.

Хусан жудаям тортинчоқ, уятчан, камгап. Мактабда ҳатто билган мавзусини ҳам айтиб бера олмасди. Унча-мунчага қўлини кўтаравер-

масди. Мен эса унинг аксиман. Олти ёшимдан бошлаб кинода тасвирга туша бошлаганман. Укам киночиларнинг машинасини кўрди дегунча гаражлар орасига яшириниб оларди. Уни актёр бўлади деб ҳеч ким ўйламаган. Лекин мактабни битирганимиздан сўнг “Мен ҳам театр ва рассомлик институтига ҳужжат топшираман”, деб қолди. Уйдагилар ҳайрон. Ўқишга ҳам кирдик. Биринчи курсда ҳеч нима ўзгаргани йўқ. Уша-ўша Хусан. Иккинчи курсдан аста-секин янги қирралари очила бошлади. Курс ишида Ромеони, Шум болани ўйнади. Диплом ишидаги роляни кўриб онам: “Сендан яхшигина актёр чиқаркан-ку”, деб ҳайрон



қолганлар. Барибир қонда бўлса, юзага чиқар экан-да.

Хусан ҳамма нарсага реал қарайди, етти ўлчаб бир кесади. Кўпчилик Хусанни отамга, мени эса онамга ўхшатишади. Уларнинг ҳам бири театрда, бири кино соҳасида хизмат қилганлари учунми, бизни Тўғон Режаметов ва Ширин Азизованинг санъатдаги давомчилари деб билишади. Ҳақиқатан ҳам, Хусан кўп томонлама отамга тортган. Индамай юриб, битта гап билан атрофдагиларнинг кайфиятини кўтариши мумкин. Театрда ҳам унга кўпроқ ҳаж-

КЎЗГУ

вий ролларни беришган. Иккаламиз ҳамиша уйдаги юмушларни биргаликда бажарардик. Мен чой дамласам, у дастурхон ёзарди. Сурпурсам, у чанг артарди. Театрда ҳам мен овқат есам — ерди, емасам — йўқ. Тановул қилгим келмаса ҳам, унинг кўнгли учун ўтириб овқатланардим. Аввал бошда бизнинг яқинлигимиз келинимга бироз ғалати туюлган. Ушанди онам: “Буларни ажратишга ё уриштиришга ҳаракат қилманг, иккаласининг киндиги бир, сиз қанча уринманг, барибир бекор”, деганлар. Йўқ, кейин-кейин рафиқаси ҳам буни англаб етди.


Хусан РЕЖАМЕТОВ,

актёр:

— Фотима билан бир синфда ўқиганимиз туфайли у доимо мени назорат қилиб юрарди. Ундан яширинча ҳеч иш қила олмасдим. Дарсга кирмасам ё бирор бола билан таллашиб қолсам, дарров онамга чақиб беради ва табиийки, гап эшитардим. У менга қараганда шўхроқ, фаолроқ эди. Тўғаракларга бориш, сёмкаларга тушиш, мактабдаги тадбирларга қатнашиш ҳамма-ҳаммасига улгурарди. Лекин мактабда дарсларни кўпинча мендан кўчирарди.

Фотима овқатларни жудаям мазали тайёрлайди. У пиширган таомларни юзта таомнинг ичидан ҳам топиб олам. Мазали овқатларини соғиниб қолсам, дарров Фотиманинг уйига югураман. У ўта романтик. Ҳали-ҳалигача эртақларга ишонади.

Бир куни мен шамоллаб қолиб уйда қолганман. Фотима эса одатдагидай боғчага кетганди. Доим у билан ёнма-ён ўйнаб ўрганганим учунми,



уни соғиниб қолганман-да, ҳеч кимга билдирмай секин уйдан чиқиб, боғчага борганман. Боғча опамизнинг кўзини шамғалат қилиб опамни уйга олиб келганман. Сўнг боғча опаларимиз Фотимани қидириб роса сарсон бўлишган. Ушанда иккаламиз ҳам онамдан яхшигина дакки эшитганмиз. У турмушга чиқаётганида сиқилганман-у, лекин куёв ўзимнинг яқин ўртоғимлиги учун кўнглим тўқ бўлган. Бироқ уйдаги ҳамма ишлар менга қолиб кетганидан бироз жажлим чиққан.

Шаҳноза РОФИЕВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.



ПАЙМОНА — “Ўзбек тилининг этимологик луғати”-да изоҳланишича, тилимизда фаол қўлланадиган бу сўзнинг туб илдизи қадимда “ичкилик ичадиган идиш”, “қадах” маъноларини англатган. “Паймонаси тўлди” деган ибора ҳам шу асосдан келиб чиққан. Шунингдек, бу сўзнинг “ўлчов”, “ўлчам” деган маънолари ҳам бор. “Ахду паймон” кўшма сўзидаги “паймон” сўзи эса “ваъда”, “битим”, “аҳд”, “иттифоқ” маъноларини англатиб келади.

КИГИЗ — қадимги даврлардан юнгни қайноқ сувга бостириб тайёрланадиган қалин палос “кигиз” сўзи билан ифодаланган. Дастлаб кўй жуни қанорга бир текис қилиб, гул-нақш шаклда ёйилади. Сўнг устидан қайноқ сув куйилиб, қанор ўралади ва ҳар бир ўрамга сув куйиб борилади. Кейин ўрам қайта-қайта думалатиб пишитилади. “Кигиз” сўзининг туб илдизи “қопла” деган маънони англатган.

СОЧ — “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да бошдаги соч, “сепиш, сочиш” маъносидagi “соч”, юз-қўлни артадиган буюм маъносидagi “сочик” ва “сочки” маъносидagi “сочоқ” сўзларининг илдизи деб “сач” сўзи кўрсатилган. Дарҳақиқат, бу сўзларнинг ҳаммасида “сочилиш” маъноси бор. Шоирнинг “Сочилган сочингдай сочилса сириг” деган сатрида ҳам шу маънога ишора қилинади.

ТАРОҚ ВА ТАРМОҚ — бир қарашда бу икки сўз эгизакдай бир-бирига яқин бўлса-да, маъно жиҳатдан бир-бирдан узокдай туюлади. Чунки, “тармоқ” сўзи “шоҳобча”, “бўлинма” маъносини билдирса, “тароқ” сўзи “тараш буюми” мазмунини ифодалайди.

Манбаларда изоҳланишича, бу икки сўзнинг пайдо бўлишига битта ўзак — “тар” феъли асос бўлган. Қадимги тилимизда “тар” феъли “ажрат”, “бўлак-бўлак қил” деган маънони англатган. Дарҳақиқат, тароқ билан таралганда сочлар бир-бирдан ажралиб текисланади. Қолаверса, ҳозирги тилимизда ҳам “сув тарайди” деган ибора сақланиб қолган.

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Бўкага йўлингиз тўкса, Ачамайли қишлоғига бориб, ота-бола Баратовлар ҳақида сўрасанг, "Эл қорига ярайдиган зехни ўткир инсонлар, илоё, кўллари дард кўрмасин" дея самимий гапларни айтишади. Айтишларича, бу сулола вакили — раҳматли Каримжон ота ҳам бир умр ветеринарлик касбини ардоқлаб ўтган экан.

Бу ёғи энди ўзбекчилик, бола-чақамизнинг сихат-саломатлигини ўйлаб, имкони бўлса, ховлимизнинг бир бурчагида мол-ҳол боқишни ҳамisha орзу қиламиз. Чорвачилик қони фойда. Шу боис ҳам ачамайлиликлар уй хайвонлари салгина безовта бўлса, ота-бола Раҳимжон ака ва Машрабжонларни йўқлашади.

Яна бир эътиборли жиҳати, Баратовлар оиласи "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан "Микрокредитбанк"дан тўрт ярим миллион сўмлик кредит олиб, "Машраб ветеринар" хусусий дорихонасини очишгани аҳолига катта қулайлик туғдирди. Бугунги кунда мазкур дорихона эллик хилдан ортик сифатли дори-дармонлар билан таъминланган.

Биз тажрибали мутахассис Раҳимжон акани йўқлаб борсак, умр йўлдоши Моҳира опа пешвоз чиқиб, хушмуомалалик билан уларнинг "чакирув"га кетганини айтишди. Шу орада уй бекаси билан гаплашиб қолдик. Ва гурунгимиз мавзуси бу ибратли оила аъзоларининг қилаётган хайрли ишлари хусусида бўлди.

учун, майли, катта шаҳарда униб ўссин, ишга жойлашиб кўя қолсин десак, дипломини олган заҳотиёқ қишлоққа қайтди. Эр-хотин унинг кўнглига қулоқ тўтсак, мақсади аён бўлди: ветеринария соҳасини ривожлантириш учун қишлоқ афзалроқ эмиш. Отаси ҳам "Майли, кўзи пишсин, илмий иш қилса қийналмайди", деб розилик берди. Шундан

оиласида икки қиз, бир ўғил вояга етди. 38 йилдан буён ветеринарлик касбини ардоқлаб келаётган Раҳимжон ака ҳақида уни яқиндан билган, таниганлар кўпгина ибратли воқеаларни ҳам сўзлаб беришди. Шу хонадоннинг фариштаси дугўй онахони, 90 ёшли момо Жипар буви эса фарзандлари билан фахрла-

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

— Баъзан, шу десангиз, лоқайд одамлардан ранжиб кетаман. Олдинга ўзлари билиб-билмасдан, тўғри келган дори-дармон билан хайвонларини даволашади-да, ўзгариш бўлмаса ёки оғирлашса, чиқмаган жондан умид деб, бизга хабар беришади. Мана шу бугун Маматкул деган йигит чакириб кетди. Борсак, сигирининг боласи икки оёғи қайрилиб, тескари келиб қолган. Халиям Машрабжон эпчиллик билан иш тутди. Бўлмаса, ҳар иккиси ҳам омон қолмасди. Хайрият, ота-бола бир илож қилиб, бузоқчани ўз эгалари қўлига топширдик...

"Энг керакли одам"... Шу иборани маҳалла фаолларидан бири тилга олди ва Раҳимжон ака ҳамда ўғли Машрабжон қилаётган эзгу ишларни мақтаб қўйди. Дарвоқе, ўз элдошлари, кўни-кўшнларига кўлидан келгунча кўмак бериб келаётган Баратовлар оиласи шаънига айтилган бундай эътирофлар замирида фидойилик, бахти бутунлик ва, ниҳоят, ибрат бўлғулик фазилатлар ётибди.

Нигора ЎРОЛОВА

Бахти бутун оила



— Ўғлимиз Машрабжон бу сулоланинг бешинчи вакили. Икки йил аввал Тошкент давлат аграр университетини тамомлаган эди. Ёлғиз ўғлимиз бўлгани

бери ҳамқишлоқларимизнинг қорва молларига кўз-қулоқ бўлиб юрибди, — дейди Моҳира опа.

Раҳимжон ака ва Моҳира опа

нишини айтди. Шу орада биз кутган инсонлар ҳам кириб келишди. Мақсадимизни англаган Раҳимжон ака суҳбатни бошлаб юборди:

Ойнинг ярми ёруғ, ярми...

Оилани бежиз "жамиятимизнинг энг кичик бир бўғини", "жамият ичидидаги кичик бир жамият" деб таърифлашмайди. Зеро, ҳар бир одам оилада вояга етати, камол топади, қолаверса, келажакда унинг қандай инсон бўлиб улгайиши ҳам шу муҳит билан чамбарчас боғлиқдир.

Афсуски, оиладаги бир-бирини тушунмаслик, миллий ва ахлоқий қадриятларни менсимаслик ва ҳуқуқий саводсизлик каби иллатлар баъзи ҳолларда меҳр-оқибат ришталарини узиб, ҳатто ажримларга олиб келади. Шуниси ачинарлики, парокандаликка юз тутган рўзгор жабрини кўпроқ болалар тортади. Ота ёки она меҳрига тўймаган фарзандлар ўз тенгдошлари орасида ўқиб, болалик бахтлари кемтик бўлиб вояга етар экан, дийдалари қотиб, инсонийлик каби покиза туйғулардан тобора узоқлашиб бораверади. Охир-оқибатда, мустақил ҳаётга қадам қўйганларида қатор мушкулликларга дуч келишади.

Табиики, ҳар бир ёш келин-куёв бир дунё эзгу ниятлар билан турмуш куради. Лекин сир эмас, оилада ҳар қуни ҳам байрам бўлавермайди. Ойнинг ярми ёруғ, ярми қоронғу бўлганидек, ҳаётнинг оғир-енгил дамлари ҳам бор. Сабр-қаноат, ирода ва меҳнатсеварлик, катталарни ҳурмат-иззат қилиш каби фазилатлар ана шу жараёнда муҳим ўрин тутатади. Турмушда учрайдиган майда-чуйда оғирликларга дош беролмаган маънавий заиф, тарбияси суст кимсалар эса оила олдидаги бурч ва масъулиятларини, фарзандлар бахти ва келажagini унутиб қўяди.

Кўп бора кузатганимиз, эр-хотинларнинг ажралиш сабаблари турлича. Масалан, тахлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, асосий омиллардан бири ҳуқуқий саводсизликдир. Албатта, ўз ҳақ-ҳуққини билган, англаган инсон ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди ва ҳар қандай шароитда ҳам ўзини ҳимоя қила олади. Бундай кишилар биринчи навбатда ўз оиласида арзмаган низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймайди, ота ва оналик бурчини шараф билан адо этишга интилади. Оилани муҳаддас деб билади.

Хури ИКРОМОВА,
Тошкент вилояти Ҳўқори Чирчиқ тумани
ФХДЁ бўлими мудирини.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилик — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шмиди, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой, 4 ой ўқиб, 2 ой амалиёт.
- Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
- Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
- Аёллар саргарошлиғи — 3 ой.
- Тўй ва оқшом турмақлари ва мажияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой.
- Элита парда ва чойшаблар тикиши олий курси — 1 ой.
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
- Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
- Тўқувчилик — 2-3 ой.
- Инглиз тили — 3 ой.
- Рус тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан
Етоҳона мавжуд.

Ўқиниш тугатилганларга
ДИПЛОМ бериллади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-маъза 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори бош томони орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Қўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал Қўйлик кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

Бундан ўн йилча аввал ҳузуримга келган бир отахоннинг бошидан кечган воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўзининг айтишича, у киши бир ўғлини Янгигазордан уйлантирган экан ва тўйдан икки кун ўтгач, қутилмаганда чимилдикдаги келиннинг мазаси қочибди. Кўринишдан ойдеккина қизни шифокорлар текширишса, ичи тўла дард экан. "Ўғлим бечора довдираб қолди, нима қилишни билмайди, менинг ҳам дардим ичимда. Бу ёғи ўзбекчилик, қудаларга нима дейишни билмаймиз.

Тиббий кўрик кафолати

Шундоқ ҳам уч ўғлимнинг она меҳрига зор бўлиб ўсгани етмагандек, бу ташвишга чора излаб бормаган жойим қолмади. Ёш ёмони, шошганимиз ва бепарволигимиз оқибатида келин-куёвларни расмий никоҳдан ҳам ўтказмаган эдик. Бу ёқда ҳалиги воқеа содир бўлгач, маҳалламиз раисига учрашдим. У киши зудлик билан сизларга мурожаат этишимни айтди", дея отахон мендан ёрдам сўради.

Шундан сўнг биз келин-куёвни ФХДЁ бўлимига олиб келиб, ариза ёзишларини ва кейин биринчи навбатда тиббий кўриқдан ўтишлари мажбурийлигини тушунтирдик. Орадан бир ой ўтиб, шу ну-

роний киши келиб, "Ҳуқуматимизга минг раҳмат, қаранг-а, бир пайтлар ниҳоқ қоғозини уч-тўрт фар-

занд кўрганимиздан кейин олардик, ҳозир эса қаранг, дўхтирлар йигит-қизни бирма-бир текшириб, қўлига қоғоз бераркан. Ниҳоқ хати бўлмаса, домлалар ҳам хутба ўқимас экан. Насиб этса, яқинда кенжа ўғлимнинг тўйи, ҳаммаси қонуний бўлади", дея хурсанд бўлиб келди...

Мен бежиз бу воқеани эсламадим. Чунки бугунги кунда аҳолининг аксарият қисми вояга етган фарзандларини оила қуришдан аввал ФХДЁ бўлимлари қошидаги "Оила дорилфунуни", "Ёш

келин-куёв", "Ёш оила" сингари мавзулар бўйича ўтказиладиган давра суҳбатларида иштирок этиб, керакли маълумот ҳамда тажрибани эгаллаши учун яқиндан кўмак бермоқда. Масалан, туманимизда шу кунга қадар никоҳни расмийлаштириш билан боғлиқ 2400 та ариза тушган бўлса, уларнинг олти юзга яқини мустақил оила сифатида қайд этилди. Албатта, улар орасида тиббий кўрик маҳали келин-куёвнинг бирида бирор хасталик борлиги аниқланган бўлса, тегишли тартибда даволаш учун муддат берилди. Негаки, тиббий кўрик бу эртанги соғлом авлод саломатлигини кафолатлашнинг энг тўғри йўлидир. Зеро, юрт келажagini ҳам маънавий, ҳам жисмоний авлодлар белгилайди.

Севара ХАЙРУЛЛИНА,
Бўстонлик тумани ФХДЁ бўлими мудирини.

ҚОНУНИЙ НИКОҲСИЗ ТУРМУШ
болалар ҳуқуқларининг бузилишига
олиб келиши мумкин

Зангиота тумани 2-сонли ФХДЁ бўлими қошида «Ёш оила мактаби» курси ташкил этилган бўлиб, коллеж, лицей ва мактабларда мунтазам равишда тадбирлар уюштириб борилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Зангиота тумани миллий хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунара коллежида ўқувчилар ҳуқуқий онгини ошириш, оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласида икки марталиб тарғибот тад-

бирлари ташкил этилаётир. Ёшлар орасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини етарли даражада дейишимиз мумкин. Аммо катта ёшдаги шахсларга айрим масалаларни тушунтириш қийин кечмоқда. Минг афсуски, туманимизда шаръий никоҳ асосида яшаб келаётган оилалар сони кам эмас. 2011 йили 75 та шундай оила аниқланиб, никоҳлари қонуний равишда қайд этилди. Бу билан ёлғиз оналар ва оталиқни белгилаш ҳолатлари камайишига эришилди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хурматли Баҳодир Тўйлибоев!
22 сентябрь — тугилган кунингиз билан қутлаймиз. Сизга сихат-саломатлик, узоқ умр, ишларингизга ривож тилаймиз.
Ҳамкасблари номидан Шухрат.
Тошкент шаҳри Яққасарой тумани.



Бахтиёр ТУРҲУНОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими.
Юлдузхон РОҲАТОВА,
Зангиота тумани 2-сонли ФХДЁ бўлими мудирини.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

1-воқеа. Тўйга атиги икки кун қолганди. Ҳали ўн саккиздан ҳатламаган, келинлик оstonасида турган Моҳира автоҳалокатга учраб, шифохонанинг рeанимация бўлимига тушиб қолди. Ҳамманинг хаёлида "Энди нима бўлади?" деган савол айланарди. Йўқ, бечора кизнинг тақдир кизиқтирмади уларни. Тўй... тўй нима бўлади? Меҳмонлар чақириб қўйилган, ахир! Устига устак, қанча харажат... Бахтга қарши, келин бўлмишга қуйиб қўйгандек ўхшайдиган ёшгина сингилчаси бор эди. Қайси бeрaҳнинг хаёлига келди-я бу ғаламис фикр?! Тўй ўтгач, ораси касалхонадан тузалиб чиқиб, ҳеч нима бўлмагандек яшаб кетаверар эмиш. 16 яшар қизалоқ келин либосида тўй саҳнасига чиқиб ўтиради. У уч-тўрт соатдан кейин ҳамма даҳмазадан қутуламан, деб ўйлаган эди. Аммо ораси... Ҳа, Чарос келинлик ролидан бир умр қутулмайди деган бўлди. Орадан қанча гап-сўз ўтди, азал уй ҳам дейишмади. Ахир, у юксак орзу-интилишларини кўнглига кўмиб, азбаройи отa-онаси учун ҳаммасига бўйин эгди. Нима, катталар шундай бўлишини хоҳлаганмиди? Энди бунақа саволлардан нима фойда?

2-воқеа. Ҳамма ҳаяжонда: кўзлар деворга ёпиштирилган қоғозларга тикилган, ниманидир кидиришмоқда. Кимдир секингина нари кетади, кимдир ўзига ишонмасдан рақамларни қайта-қайта солиштиради. "Хайрият, ўқишга кирибман! - дейди бир йигит илжайиб. - Ҳазим, тўртинчи йил имтиҳон топширишимда..." Сал нарида бир киз йиғлайди, дугоналари юпатиб, келгуси сафар омад чопиб қолишини айтса ҳам, кўнмайди. "Биргина имкониятим бор эди. Энди олим эрга бериб юборадим..." Ярми мамнун, ярми ғамгин оломон орасида Дилшода йўқ эди. Унга ҳеч курса бир марта ҳам имконият берилмаган.

...Дилшода зехни ўткир, тиришқоқ киз эди. Ҳеч бир танлов уса ўтмасди ва ҳеч бир мусобақадан ўринсиз қайтмасди. Катта орзулар билан яшар, коллежни битириб, институтга кирмоқчи эди. Репетиторга ҳам харажат қилиб ўтирмай, барча фанлардан ўзи тайёрланди. Керак бўлса, ҳар гал синов тестларида яхшигина пул тўлаб қўшимча ўқиётган тенгдошларидан анча юқори балл тўларди. Лекин баҳора келиб негадир бўшашиб кетди. На ўқишга, на яшашга қизиқини қолди. Дугоналари ҳам сўраса ҳам, аввалига бир гап ололмади... Ахир, бўлмади - ёрилди. "Ота-онам коллежни битириб, қайси олий ўқув ортига киришин билан эмас, келаятган совчилар билан кўпроқ қизиқишайпти. Улар учун тезроқ турмушга чиқсам, ўз тиллари билан айтганда, қизларини "эсон-омон эгасининг қўлига топшириб" олишса, бўлган! Имкон қадар шу ёздан ҳам қолдиришмасам... Нима, орзу қилишга ҳаққим йўқми? Ҳаммаси рўёга айланадими энди?..."

«Улғайиб қолибсан-ку...»

...Ҳеч ким боласига ёмонлик соғинмайди. Аммо арзимас орзу-ҳавас ортидан қувиб, беихтиёр нурийдасини бахтсиз қилиб қўяётганлар, ҳали навиҳол қизиқинг нозик елкасига турмушнинг зилзамбил ташвишларини юклашга шошилаётганлар топилади орамизда. Паллах

мон тошини отишга намунча ошиқишмас улар?

Одамларимизнинг одатлари ҳам қизик: ёши катта қариндошлар балоғат оstonасидаги киз жияларини кўрса бўлди, «Улғайиб қолибсан-ку, мана, энди борган жойингда тош қот, уйингни гуллат. Ота-онангнинг орзуларини ушалтириб юр!» дея насихат қила бошлайди. «Ўқишларинг яхшими? Қайси институтга кирмоқчисан? Танлаган соҳангни пухта эгалла, ўз ишингнинг эгаси бўл. Бунинг учун ҳозирдақоқ билимнинг ошириб бор», дейдиганлар, афсуски, кам учрайди. Тўй бошланиб кетган бўлса, берди худо: қайси ресторанга борамиз, машҳур артист-

меъеридан бузилади, вазни енгил ёки бирор нуқсонли бола туғилиш хавфи юқори бўлади. Тугруқ ҳам оғир кечиб, кўп қон кетиш эҳтимоли бор.

Бугунги бир муаммо эрта турмуш куриш бўлса, иккинчиси эса туғруқда оралик муддатни сақлаб, кўрсаткич ёмон эмас. Маълумотларга қараганда, болани дунёга келтиришда йўқотилган темир моддаси тўрт йилда тикланар экан. Ёш келин қайнонасининг невараларини тезроқ кўпайтириш истаги ҳақида эмас, аввало, ўз соғлиги ҳақида қайғуриши керак. Аналик ҳомила-

лар асосан, ёш оилалар орасида кузатилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Йигит-қизларнинг эрта турмуш куриши, катта ҳаётга тайёр эмаслиги, ўзаро келиш-олмастик, муомала маданиятининг шаклланимагани, рўзгор ишларида нўноқлик кабилар оқибатида гулдек оилалар бузилиб кетаяпти. Одатда белгиланган ёшга етмаганлар расмий эмас, шаръий никоҳ асосида оила куришади. Бундайлар кўпинча арзиманган келишмовчилик чиқса ҳам, енгил муносабат билдириб ажрашиб кетаверишади. Қарабиски, қонуний никоҳдан ўтишни унутган қиз

мушга бериш бир қатор кўнгли-сизликларга олиб келиши мумкинлигини онгли равишда англаб етиб, фарзандлари коллежда ўқишни тугатиб, касб-ҳунар эгаси бўлгунча тўйни кечиктиришга қарор қилдилар.

«Қизларимни ўқитиб, кам бўлмамиз»

Гавҳар Пўлатова
(Тошкент вилояти Зангиота тумани):

— Қиз болани ўқитиб, касб-ҳунари қилгач, турмушга узатган маъқули ё аксинча йўл тутган яхшими? Кейинги пайтда гап-гаштагу тўй-маъракаларда ҳам шу савол кўп ўртага ташланапти? Бу борада тушунган ота-оналар кўпайиб бораёттир. Ўзимизнинг оилани олсак, қизми-ўғилми - барча фарзандларни ўқитаяпмиз. Ўғлим ёшларга яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб, хорижда таҳсил олмақда. Бир қизимни турмушга берганман, ҳозир мактабда кимё фанидан дарс беради. Синглини юридик коллежни тамомлаб, малакали ҳуқуқшунос бўлмоқчи. Қиз болани, албатта, олий маълумотли қилиш зарур, деб ўйлайман. Бу унинг келажакда намунали она, яхши оила бекаси бўлишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзи ўқимаган бўлса, оддийгина бола тарбиялашдек масъулиятли вазифани ҳам удаллаши қийин кечади... Яна, ҳатто лицей ёки коллеж дипломини қўлига олишга ҳам улгурмай оила оstonасига қадам қўйган қизларнинг имконияти ҳар жиҳатдан ўз-ўзидан чекланиб қолади. Юртимизда ёшлар ўқиб-изилгани учун шарт-шароитлар яратилаётган бир пайтда уларни бундай имкониятлардан маҳрум қилиш тўғримики... Назаримда, ҳаёт улкан уммонга ўхшайди: уквусиз қишини кирғоққа иргитиб ташлайди. Дунёқараш кенг, қўлида касб-ҳунари бор киши эса ҳар қандай вазиятда йўлини топиб кета олади.

Одинабону Қўлмуродова,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

“ЎН САККИЗГА КИРМАГАН МЕН БОР...”

ёки орзулари армон бўлган қизгина



лардан ким келади, қанча сарф-харажат кетди, куда томон бақувватми... Шу қабилдаги саволлар кўпчиликини қизиқтирадими-ю, бўлажак келиннинг ёши нечадалиги, ФХДБ бўлимига ариза берилган-берилмагани, тиббий кўриқ хулосалари қандайлигини суриштириб ҳам ўтиришмайди.

Аммаю хоаларнинг айтишича, Тошкентда ҳозир 94-95 йилги қизларнинг бозори чакқон эмиш. Яна эмишки, 17-18 ёш оила куриш учун энг мақбул давр бўлиб, йигирмага етган қиз қолиб кетаркан. «Ўқиган қизнинг кўзи кўп нарсани кўриб қўйган, ақл ўргатишдан нарига ўтмайди. Тинчгина соддасидан топа қолинг, эгачи», деган шивир-шивирлар кулоққа чалиниб туради... Кап-катта хотинларнинг гапидан ўйланиб қолсан: турмушинг неча муштларини еб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, балки гапларида жон бордир. Йўқ, ўзлари ҳам бир пайтлар гўрлигида «эга»сига топширилиб, «Хаёт шу экан-да», деб умр ўтказган, «Мана, биз эрта эрга тегиб ўлмадик-ку», дея дилларига таскин бериб юрган бўлмасин тагин. Яхшиси, мутахассислар бу борада нима дейди?

Улар ҳали ёш бола

Нилуфар ҚОБИЛОВА,
гинеколог-шифокор:

— 17-18 яшар киз тиббий жиҳатдан оилавий ҳаётга мутлақо тайёр бўлмайди. Бунинг учун 21-23 ёш энг мақбул давр саналади. Қизини барвақт узатишга шошилган ота-оналар ўзлари билмаган ҳолда жигаргўшасининг саломатлигига пўтур етказиб қўйиши мумкин. Аналик лаёқати бўлмаган ёш келинларда бир қатор хасталиклар кўп кузатилади. Ҳомилининг ўсиши

дор бўлиб, болани туғиш билан чегараланимайди. Ўқимишли, тажрибали бўлиш ҳам жуда муҳим. Ҳар томонлама соғлом фарзандларни вояга етказиш учун оналарнинг фақат соғлиғига эмас, маънавий оламига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Тўйлар кечиктирилди...

Гулнора Арслонова,
маҳалла ҳуқуқшунос мас-
лаҳатчиси:
— Кейинги пайтларда ажрим-

томон жабрдийда бўлиб қолади. Ҳаммаси ёшлик, гўрлик оқибатида келиб чиқади. Агар қиз ҳуқуқ ва манфаатларини тўла англаб етган бўлса, умр савдоси борасида шундай қалтис йўлга кирармиди?

Оила ҳақида ҳуқуқий тасаввурга эга бўлмаган шахсларни турмуш куришга тайёр эмас деб ҳисоблаш мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 10-24 ёш оралигини ўсимирлик даврига киритади. Демак, уларда ҳали характер тўла шаклланимаган бўлади. Оиланинг мустақамлиги эса қиз ва йигитдан масъулият, курашувчанлик ва қатъиятчи талаб қилади. Тўғри, барча ота-оналар ҳам фарзандларига оила ҳақида ҳуқуқий билим беришга ожизлик қилади. Аини шу кемтикликни тўлдириб учун соғлиқни сақлаш, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ёшлар орасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Яқинда маҳалламизда никоҳ ёшига етмаган қизларнинг тўйини қолдирдик. Ота-оналар жисмоний ва маънавий жиҳатдан тайёр бўлмаган қизларни тур-

“Адашиб қолганга ўхшайман”

17 ёшга тўлишим билан мени узатиб юборишди. Педагогика коллежидо ўқийман. Институтга кириб, олий маълумотли ўқитувчи бўлиш орзусида юрадим. Аммо тўйдан кейин бари сароба айланди. Ҳозир уй юмушлари, пишир-қуйдирдан бўшамай қолдим. Дарс тайёрлашга қўлим тегмайди. Рўхан толиққан бонисми, китоб ўқиётганда диққатимни жойлай олмайман. Уйимдагилар “Коллежни йиғиштириб, фарзанди бўлиш фурсати етди”, дейишяпти. Адашиб қолган одамга ўхшайман. Дугоналарим каби мазза қилиб ўқиб, яйраб юргим келади. Тенгдошларимга маънавий, турмуш куришга шошилманг. Ўқимишли қизлар ҳеч қачон хор бўлмайди. Албатта, ўз тенгдошларини топасиз. Табиийки, ўқиганинг тенги ўқиган бўлади-да...

Дилшавоз ЖўРАЕВА,
ўқувчи.

Гулбаҳорнинг кузи

Она учун фарзанд жудодилгидан муҳаббатроқ фозия бўлмас керак. Бойлик қизимни кўр қилди-ю, нафс балоси домига илдинди. Ҳали 16 баҳорини қаршиламаган қизимни ўз қўлларим билан ажал қомига ташлабман. Ҳеч ким билан ҳисоблашни ўтирмай, уни бадавлат ду-

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

гонамнинг арзонда ўғлига узатишга қарор қилдим. Воқеалар бунча тезлашиб кетиши тушимга ҳам кирмаганди. Тўй бир ой ичида худди кўнглимдагидек, балки ундан ҳам зиёда даб-даба билан ўтди. Совға-саломларнинг чеки йўқ эди. Дўст-душман олдидо ўзимча гурурланиб қўярдим. Маҳаллада дув-дув гап бўлганди-да. Афсуски, шунча ялтир-юлтир матоҳлар дилбандимнинг ҳаёти эвазига келаятгани хоёлимнинг кўчасига ҳам кириб чиқмабди. Орадан уч ой ўтдики, Гулбаҳор бир марта оstonа ҳатлаб ота уйига келди. Мен нодон уни кам-кўстсиз, бахтли яшайпти деб ўйлаб юрган эканман. Чунки у ичидаги зилдаи ташвишларини ҳеч сиртига чиқармасди. Не кўз билан кўрайки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қизим туғруқдан анча олдин шифохонага тушиб қолди. Шундоғина у ҳақида ташвишлана бошладим. Секин-аста дабдабанинг ҳам миси чиқди. Кўёлимизнинг айби бор экан. Устига устак, қизалоғимнинг нозик елкасига қайнонасининг доимий жабр-зулли, катта оиланинг минг бир юмушлари оғирлик қилибди. Бу бой-ваччаларга келин эмас, чўри керак бўлган экан-да! Шифокорларга йиғлаб тармашдим, аммо қўлларидан ҳеч нарса келмади. Гулбаҳорнинг кузилари ҳали ҳаётга тўймаган эди.

Нодира НАРИМОНОВА,
опаизор.

НОКНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ... серсув, ширин ва пўсти юпқасидир

Пишган нок мияни намлик билан таъминладан ташқари, орикларни ҳам кетказди. Таъми хушудлик келтиради ва юрак, меъда ва бошқа ҳазм аъзоларига қувват бўлади. Шунингдек, чанқоқни қондиради, юрак ўйнашига даво, қоннинг ёмон ҳолатини яхшилайдди, ични юмшатади. Ҳазмдан сўнг пайдо бўлган бугларнинг мияга боришига йўл қўймайди. Айниқса, овқатдан кейин ейилса, таъсири янада кучаяди. Нок замбуруғларнинг захри ва зарарини сўндириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Нок, айниқса, иссиқ мижозли одамларга фойдали. Лекин совуқ мижозли ва ошқозони заифроқларга зиён келтириши мумкин. Кўп истеъмол қилинса, баданда ел пайдо бўлади. Бу хусусият пишманида янада кўпроқлиги боис, йўғон ичкака зарар келтириши мумкин.

Нокни оч қоринга ейиш ярамайди. Ёки унинг устидан совуқ сув ичиш, ҳазми қийин таом ейиш, айниқса, гўшт билан бир вақтда истеъмол қилиш умуман мумкин эмас. Паранда гўшtidан тайёрланган, энгил пишган шўрвадан кейин ейилса, кўп зарари йўқ.

Нок меъда ва жигарга қувват бўлади, иштаҳани очди, сафро ва қон босимини пасайтиради. Бугларнинг мияга чиқишини тўхтатиб, баданда соғлом моддалар пайдо қилади. Чанқоқ ва қайт қилишнинг ҳам олдини олади.

Нордон нок қарияларга, йўғон ичаги касалларга, совуқ мижозлиларга зарарлидир. Шунингдек, асабга ҳам салбий таъсири бор. Бундай зарарларни бартараф этиш учун асал ва бошқа ширинликлар истеъмол қилиш мумкин.

Нок сув бугида ёки хамирга ўраб, олов қўрида пиширилса ёки мураббо қилиб ейилса, жуда фойдаси кўп.

Нок дарахтининг гули истеъмол қилинса, юракка қувват бўлади, қон қушиш ва ич кетишини тўхтатади. Агар янчиб боғланса, кўз шишини йўқатади. Нок уруги бемаза бўлиб, истеъмоли юракни безовта қилади. Аммо 9 грамм янчиб истеъмол қилинса, ошқозон қуртларини ўлдириб туширади. Бир неча мисқол барги эса, ич кетишини тўхтатади. Қуритилган барги янчилиб, жароҳатларга сепилса, тез тўзатади. Нокнинг қўпи ва баргининг куйдирилгани кўзга суртилса, таъсири тўтиё каби таъсирчандир.

Мураббоси учун каттироқ нокларни танлаш керак. Пўсти арчилиб, ўзаги олиб ташланади ва тилим-тилим қилиб қирқилиб, 10-15 дақиқа қайнатилади. Сўнг устига кўмилгунча совуқ сув солиниб, юмшагунча қайнатилади. Бошқа бир идишга шакар солинади, нок қайнаган сувдан 2 стакан куйилади ва аралаштирилиб, қиём қайнатилади. Қиём қайноқлигида нок бўлаклари устидан куйилиб, паст оловда тайёр бўлгунча қайнатилади.

Қоқисини тайёрлаш учун сифатли, тўкилгани ва хатто чиқит қилинганини ҳам олса бўлади. Мевалар аввал яхшилаб ювилади, қуритилиб, уруглари тозаланади, сўнг 0,5-1 см қалинликда паррак ёки тилимлаб кесилади. Қисқа муддат қайноқ сувда бугланади. Мевани очик хаводаги офтобда 3-4 кун, шунингдек, томда, хонада ва бошқа жойларда ҳам қуритиш мумкин. Қуритишни охиригача етказиш учун нок 65-70 С да 8-12 соат духовкага қўйилади.

Компот тайёрлаш учун нокнинг пўсти арчилиб, ҳар бири 6-8 бўлакка бўлинади ва уруги олиб ташланади. Арчилган мевалар қорайиб қолмаслиги учун бир оз лимон кислотаси қўшилган совуқ сувга қўйилиши лозим. Идишга шакар ва 2 стакан иссиқ сув қўйилади. Сўнг тайёрлаб қўйилган мева бўлаклар солиниб, 10-15 дақиқа қайнатилади. 500 грамм нок учун 3-4 стакан шакар керак бўлади.

БОБУРБЕК тайёрлади.

ТАБИАТ — ДОРИХОНА



АЖАБ ОЛАМ

АНТИҚА КАСБЛАР

Антиқа касблар рейтингини ҳар йили ангаляниб турибди. 2011 йили жаҳон меҳнат бозоридида бир қадар оммалашган галати касблар орасидан бир нечаси ҳақида маълумот келтирамиз.

Тўп терувчи

Бу касб эгаси гольф майдонида ўйин тўғрач, турли худудларга бориб тушган гольф коптокчаларини териб юради.

Пингвинларни турғазувчи

Кўп станциялари яқинида яшовчи пингвинлар ўша жойдан учиб ўтувчи вертолётларга қаттиқ термулиб қолишади. Вертолётни кузатган кўйи бошларини тобора ортга ташлайверади. Бўйинлари қисқалиги, гавдаси эса кам эгилувчанлиги боис, охириқабат, мувозанатини йўқотиб, орқага ағанаб тушади. Бу ҳолатда пингвинлар ўз кучи билан ўрнидан тура олмайдди. Буни билган станция мутахассислари ҳар сафарги вертолёт парвозидан сўнг жониворлар қароргоҳига бориб, уларни турғазиб қўйишади. Акс ҳолда, бечора пингвинлар ўрнидан туролмай, ўша ерда ҳалок бўлиши мумкин.

Ғижимларни текисловчи

Бу касб эгаси элита пойабзал дўконлари ходими саналади. Харидорлар кийиб кўравергани боис пойабзалларда ҳосил бўлган турли ғижим текислаш унинг ишига қиради.


Сигирлар педикюри

Туёқларнинг аҳволи ёмонлашса, хунук бўлиб ўсиб кетса, бу ҳол сигирларнинг сихатига салбий таъсир ўтказар экан. Хусусан, соғин сигирларнинг сут бериш ёки наслини кўпайтириш хусусиятларини сустлаштириши мумкин. Европа ва Американинг элита фермаларида сигир туёқлари парварошини назорат қилиб боровчи маҳсус педикюр бўлинмалар ташкил этилган.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.



Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!



“Оилангда хотиржамлик бўлмаса қийин экан. Ота-онанинг раъйи билан Севарага уйлангандим. У бетгачопа эди, мен тугул, ота-онамни ҳам хурмат қилмасди. Ёлғиз синглимни ҳеч чиқштирмади. Тезда ўғил кўрдик. Энди Севаранинг онаси ҳам оиламизда можаролар чиқишига сабаб бўларди. Қонуний ажрашиб, уларга икки хонали ўй сотиб олиб бердим. Бир йил ўтгач, қариндошимизнинг тўйида ўғилчами кўриб, меҳрим тушиб, хотиним билан ярашдим. Қайнонам бошчилигида икки хонали ўйи сотиб юбориб, ижарада жуда қийналиб яшашаётган экан. Қайта ниқоҳдан ўтдик. Ўғлимга оталик меҳримни бериб, тарбияси билан жиддий қизиқдим. Кўп ўтмай, қизимиз туғилди. Шу орада отам қазо қилди. Бор ҳовли-жойни, мулкни синглим икковимизга тенг тақсимлаб, мерос қолдирди. Хотинимнинг феъли, дунёқарашини ўзгармаганди. Ўғлим вояга етиб қолгани учун ҳовли-жойни унинг номига расмийлаштириб, Севара билан яна қонуний ажрашишга мажбур бўлдим. Онамни олиб, уйдан чиқиб кетдим. Ҳозир ер олиб, ҳовли-жой қураппман. **Ёшим 45 да.** Маълумотим ўрта махсус. Ишим тайин. Тошкент вилоятидан 40 ёшгача бўлган, оқ кўнгил, мени тўғри тушунадиган, меҳрибон аёл учраса, уйланоқиман.

РУСТАМ, Тошкент вилояти”.

“Барча оналар қатори мен ҳам ўғлим Дилмуроднинг ақли, хушрўй қизга уйланиб, бахтли бўлишини истаиман. У институтга ўқишга кириб, таълимни хорижда давом эттирди. Докторлик диссертациясини химоя қилиб, профессор бўлиб қайтди. Мен доим “Ўзга юрт қизини келин қилмайман, ўқини тинчгина битириб қайтгин”, деб уқтириб келдим. Ўғлим ҳам гапимни икки қилмади. Аммо муносиб қиз топишимиз осон бўлмапти – қаранг, бу ёгини ўйламаган эканман. Ёши ўттиздан ўтган йигитнинг дунёқарашини, қиз танлашдаги талаби ҳам ўзига яраша бўларкан. Ахир, у бешта тилни билади. Яқинда узоқ бир қариндошимизнинг қизи билан учрашувга чиқди. Ўзига бино қўйган, отасининг бойлиги билан мақтанадиган қиз экан, деб унамади. Ўртада турган укамга рад жавобини айтиш осон бўлмади. Шу боис газетга мурожаат қилаяппман. Дилмуроднинг ёши 35 да. Маълумоти олий. Уйланмаган. 24-26 ёшли, олий маълумотли, хушмуомала, қалби ва ўзи гўзал, самарқандлик ёки тошкентлик қиз овоз берса, келин қилоқимиз.

СОҲИБА ҳола, Самарқанд вилояти”.

“Синфдошим Сарвар билан бир-биримизни яхши кўрадик. Мактабни тугатиб, у институтга ўқишга кирди. Менинг эса омадим чопмади. Тайёрлов курсида ўқиб бошладим. Бу орада уйимизга қўшни маҳалладаги тоғамнинг ҳамсояси совчи жўнатди. Ота-онамга йигит маъқул бўлиб унаштироқчи бўлишди. Улар институтда ўқишимга рози бўлибди. Лекин мен Сарварга ишониб, ота-онамни рад жавобини беришга базўр кўндирдим. Ўқишга кириб, учинчи курсда ўқиётганимда Сарвар отаси мени ҳеч қачон келин қилмаслигини айтди. Ўша кунни дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Отам унинг аммасига уйланиб, бир йил ҳам яшамай ажрашиб кетган экан. Аммаси қайта турмуш қурмай, қазо қилган. Биз ёшлар бундан мутлақо бехабар эдик. Отам ҳам онамга бир неча марта «Қизингга айт, Сарварни унутсин, улар бизнинг тенгимиз эмас», деган... Сарвар уйланди. Мен эса бошқага кўнгил қўя олмадим. Отам қазо қилди. Онамга суянч бўлиб, ука-сингилларимнинг ўқишига ёрдам бердим, уларни уйли-жойли қилдик. Йиллар ўтаверди. Онам ҳам кексайиб қолди. Ҳозир турмушга чиқишим ҳақида ўйлашга ҳаётнинг ўзи мажбур қилапти.

Ёшим 48 да. Маълумотим олий. Турмушга чиқмаганман. 55 ёшгача бўлган, диёнатли, иши тайин, уй-жойли, инсоний фазилатларни қадрлайдиган, тошкентлик ёки сирдарёлик эркак учраса, турмушга чиқмоқчиман.

ЖАМИЛА, Сирдарё вилояти”.

“Ўшанда тўрт ёш бўлган эканман. Сўрида кўрпа қавиётган онам оламга «Қайчини олиб кел», деган. Ундан олдин мен қайчини олиб, онамга қараб пилдираб чопқиллаганман. Шу пайт онам «Эҳтиёт бўл!» деб хай-хайлаганча қолган. Бехосдан суриниб, йиқилиб тушганман. Чап кўзимга қайчи санчилиган. Докторлар бирор чора қилолмаган. Вақт ўтиб, дунёни бир қўз билан кўришга кўнликдим. Онаизорим гоҳида менга қараб, «Кўрпа қави-

май мен ўлай», деб, ух тортиб, сиқиларди. Ҳаётда ўз ўрнини топсин деб мен учун барча имкониятларни яратиб беришган. Турли тўғрақларга қатнаб, тил ўргандим, расм қизишни, тўқиш ва тикишни, пазандалик сирларини бинойидек эгалладим. Мактабни тугатгач, институтга ўқишга кириб, имтиёзли дипломга тугатдим. Яхшигина ташкилотда хизмат қила бошладим. Дугоналарим оила қуриб, бола-чақали бўлиб кетишди. 25 ёшимда тенгимни топишда ёрдам сўраб, “Оила ва жамият” газетасига умид билан хат ёздим. Хатим жавобсиз қолмади. Менга иш жойида юз берган фалокат туфайли бир қўлидан айрилган Зафар исмли йигитнинг телефон рақамини беришди. Учрашдик... Хуллас, икки ёрти бир бутун бўлдик. Зафар оқ кўнгил, ниқоҳатда меҳрибон. Қайнота-қайнонам ҳам баъмаъни инсонлар экан. Жуда бахтлиман. Ҳаётда тенгимни топишда ёрдам берганингиз учун сизлардан бир умр миннатдорман.

ЗУЛАЙҲО, Бухоро вилояти”.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Зирак таққан... йигитлар

МУНОСАБАТ

...Яқинда автобус бекатида лабининг пастки қисмига иккитадан халқа тақиб олган йигитчага кўзим тушди. У қўл телефонида ким биландир гаплашар, йўловчилар эса унга қизиксиниб қараганча, кулиб-кулиб ўтишарди. Автобусга бирга чиқди ва ёши каттароқ киши халиги йигитни кўриб, чидолмади, шекилли, "Ўғлим, мен сизни чет эллик сайёхмикан деб ўйлабман, туппа-тузук ўзбек экансиз-ку, бу нима қилиқ? Хотинларни зирагини тақиб олибсиз" дея танбех берган эди, у ҳам бўш келмай: "Амакхон, бу ҳам мода, хозирга қизларга менга ўхшаб кийинган замонавий йигитлар ёқади", деб жавоб қайтарди-да, кейинги бекатда тушиб қолди...

Тақинчоқлар азал-азалдан асосан хотин-қизларнинг зебу зийнати ҳисобланиб, уларнинг гўзаллигига янада жозиба бахш этган. Заргарлар ҳам уларни ясаётганда аёллар табиатидаги барча яхши хислатларни муҳассам этишга ҳаракат қилган. Бироқ...

Нилуфар, талаба:

— Талаба дўстларим орасида бир йигит бор. Қачон қараманг, мода кетидан қувиб юради. Ўтган ҳафта кулоғига зирак тақиб келибди, ҳамма устидан кулди. Ўқитувчимиз ундан берилган топшириқларни нега бажармаганини сўраганида вақти йўқлигини баҳона қилди. Шунда домлаимиз "Ўқажон, мода эмас, илмга интилинг". Қолаверса, кулоқдаги зиракни келинга деб сандиққа солиб қўйинг", деган эди, у бирданига изза бўлиб, ҳаммаининг олдида устоздан уэр сўради. Шундан бери энди ҳеч нарса тақмайди.

Ҳамида ая:

— Умиджон деган набирам тор шим ва футболка кийиб,

сочини сариққа бўяб юради. Яна денг, билагига занжир таққанга нима дейсиз. Насиҳат қилсан, бирданга аразлаб қолади. "Уф, нега мени тушунмайсизлар? Ахир, ўртоқларимнинг кўпчилиги шундай "стил"да кийинаяпти", деб ўзини оқлайди.

Муслима, сотувчи:

— Йигит кишининг қандай кучқудрат ва билимга эга экани унинг кийган либосидан ҳам яққол сезилиб туради. Турмушга чиқиш арафасида бир йигит билан танишдим. Аввалига келиноним уни роса мактаган эди. Учрашувга чиққан, не кўз билан кўрайки, ниҳоятда калондимок ва олифталлиги шундоқ кўриниб турарди. Бир кўлида машина калитини ўйнатгани етмагандек, яна бўйинига қалин тилла занжир ҳам тақиб олган, кийимлари ҳам ажабтовур. Ўзим ёшлигимдан адабиётни яхши кўрганам ва зиёли оилада вояга етганим учунми, унинг дунёқарши, фикрлаш қобилиятига ҳам эътибор қаратиб, айтётган гап-сўзларини эътибор қилиб эшитдим. Бири боғдан, бири тоғдан, энг ачинарлиси, бўлгуси куёв бола нукул мактангани мактанган. Шу орада икки-уч дўстига кўнгироқ қилиб, ўзича "янги номзод" билан танишаётганини айтиб мактанган, секингина ундан узоқлашдим...

Хўш, замонавийлик белгиси нима, ўзи? У кийиниши ёки бошқа халқларга кўр-кўрона тақлид қилиш ёхуд миллий қадриятларга бутунлай зид бўлган анъаналарга риоя этиш билан белгиланганими? Нима бўлганда ҳам, фарзандларимиз руҳията маънавий меросимиз намуналарига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш — ўзликни англаш билан баробар эканини сингдирайлик.

Нигора АЛИШЕР қизи



СПОРТ СПОРТ

Дзюдочиларимиз биринчи ўринда

Жорий йилнинг 17-18 сентябрь кунлари пойтахтимиз дзюдо бўйича эркеклар ва хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон кубоги мусобақасига мезонлик қилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси учта олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медал ҳамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ўттизга

яқин мамлакатдан икки юздан зиёд дзюдо устаси совринли ўринлар ва келса йили Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколарини қўлга киритиш учун ўзаро куч синашди.

Мақсуд нуфузли спорт анжумани доирасида ташкил этилган Халқаро дзюдо федерацияси конгрессида Ришод Собиров жаҳоннинг энг кучли дзюдочиси, Ўзбекистон терма жамоаси устози Андрей Штурбабин энг кучли мураббий, деб эълон қилинди.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ўтказилган жаҳон кубоги мусобақаси иштирокчилари орасида энг шиддатли беллашув 90 килограмм вазн тоифасидаги финал учрашувида кузатилди. Унда 2009 йилги жаҳон чемпиони соф галабага эришди ва жаҳон кубоги мусобақасининг олтин медалини қўлга киритди.

Вазни 100 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида финалда икки ўзбекистонлик дзюдочи — Рамзиддин Саидов ва Ўткир Қурбонов ўзаро рақобатлашди. Осиё чемпиони Рамзиддин Саидов олтин медални қўлга киритган бўлса, Ўткир Қурбоновга кумуш медал насиб этди.

Терма жамоамиз ҳисобига яна бир олтин медални 73 килограмм вазн тоифасида татамга чиққан Мирали Шарипов келтирди. Моҳир дзюдочимиз финал учрашувида туркиялик Ҳасан Ванли ўғлини катта устунлик билан енгди.

Жаҳон кубоги мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган дзюдочиларимиздан Одил Тўлғандибоев, Габит Есимбетов — кумуш, Мирзохид Фармонов, Яхё Имомов, Шерали Жўраев, Болтабой Болтаев бронза медал ва муҳим рейтинг очколарини қўлга киритди.

Эркеклар ўртасидаги беллашувларда қозғонистонлик Элдос Сметов, Сергей Лим, америкалик Тревис Стевенс, бразилиялик Рафаэль Силва ҳам олтин медалларга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар мусобақасида Жанубий Кореядан келган Жунг-Ён Чунг, На Янг Ким, словениялик Петра Нарекс, Анамари Веленекс, россиялик Ирина Заблудина, исроиллик Алиса Шлезингер, швейцариялик Жулиана Робра шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Паст

Паст одам барибир пастлигини қилади.

Учиб кетаётган қарганинг оғзидан ёнгогини юлиб олгиси келади. Узумни чўқийётган чумчўқнинг кўзларини ўйгиси келади унинг.

Атрофга олазарак боқади. Қўшнисининг уйидаги ўрикни ҳам териб олсам дейди. Кўзига кўринган хасни ҳам чўнтагимга солсам дейди. Уяти йўқ, андишаси йўқ. Кўзлари хар ёнга қараб олма теради. Кўчада ўсаётган дарахтнинг мевасига ҳам кўриқсан. Кўл теккизган боланинг адабини беради.

У бойиб кетса ҳам ўзгармайди. Тўйиб кетса ҳам ўзгармайди. Ҳақ тўйса, кўзи тўймайди. Кўзи оч, феъли паст.

Паст, ким бўлмасин, барибир пастлигини сездириб қўяди...

Иқроп

Қайнона билан келиннинг гапи гапига тўғри келмади. Қайнона "ади" деса, келин "бади" деди. Бўш келмади. "Каттаман", деб қайнона кўприк бўлмади. "Ёшман", деб келин тилини тиймади. Икки ўртада қолган йигит қайси бармоғини тишласин оғриди. Ноилоҳ аламини хотинидан олди. Бир мушт туширганди, кўзи кўкарди. Бундай муносабатга кўникмаган келин аразлаб кетди...

Қайнона ҳовуридан тушди. Келинини кечирган бўлди. Ўғлини уни олиб келишга жўнатди. Куёвни бутун бошли оила талади:

— Ҳовлимга қайтиб оёғингни босма, — деди ота. — Сенга берадиган қизим йўқ.

— Тор қорнимга сиққан, кенг уйимга ҳам сиғади, — деди она.

— Синглимин урган қўлларингни синдираман, — деди ака.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

— Сизга теккандан бери дарддан чиқмайди, — деди қайнона.

Хуллас, бутун оила куёвга қарши турди. Ҳеч ким ундан: "Нега кўл кўтардинг?", деб сўрамади. Қарс икки кўлдан чиқшини ўйлашмади. Куёвнинг авзойи бузилди. Секингина бошини эгиб чиқиб кетди.

Келин кўрдик, вазият қалтис. Эгара таъна ёғдиришяпти, ҳайдагандан баттар қилишяпти. Унга бу бўлар-бўлмас маломатлар оғирлик қилишини билди. Бу гапларни кўтаролмаслигини билди... Шунинг учун ортидан югурди.

— Тўхтагн, мен ҳам сиз билан кетаман! Келин ортига ўғирилди. Галати аҳволда қолган яқинларига гуноҳқорона боқди.

— Узр, айб мендан ҳам ўтганди...

Лола ЎРОҚОВА

САВОЛ-ЖАВОБ

Меросхўрликдан мосуво шахслар...

Васият бўйича кимлар меросхўрлик ҳуқуқидан маҳрум бўлиши мумкин?

Бахтиёр КАРИМОВ,
Нарпай тумани.

Васият бўйича меросхўр бўлиши ман қилинган шахслар рўйхати аниқ белгилаб қўйилмаган. Аммо амалдаги қонунларимизда маълум бир чекловлар ўрнатилганини кўриш мумкин. Масалан, Фуқаролик кодексининг 1119-моддасида назарда тутилган асослар ворис, шу жумладан, васият бўйича ворис этиб тайинланган шахс ҳам суднинг ҳал қилув қарори билан нолойиқ меросхўр деб топилши ва мерос олишдан четлаштирилиши мумкин. Мерос қолдирувчини ёки аҳтимоли тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмас. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Муассеслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оялларни қўллаб-қувватлаш» асоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари маъмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 928. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7586.

Баҳоси келишилган нарҳда. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ Мусахҳиллар — Саидғана САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5